

КССС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БЕШ ЙИЛЛИК—ТҮРТ ЙИЛДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 153 (4359). 5 август, 1971 йил, ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 230 ТОННА КАРТОШКА,
1500 ТОННА САБЗАВОТ, 300 ТОННА ПОЛИЗ МАҲСУ-
ЛОТЛАРИ ВА 100 ТОННА УЗУМ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

ҲАР БИР СИГИРДАН 3 МИНГ ЛИТРДАН СУТ
СОҒИБ ОЛИНАДИ. ГҮШТГА ТОПШИРИЛГАН МОЛ-
ЛАРИНИНГ ТИРИК ВАЗНИ 356,5 КИЛОГРАММДАН
ТОШ БОСМОҚДА.

КОЛХОЗ ҚИШЛОҒИ БУ ЙИЛ ГАЗЛАШТИРИЛАДИ
ВА ВОДОПРОВОД КЕЛТИРИЛАДИ.



Узумзорда.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ „ЛЕНИН ЙҮЛИ“ КОЛХОЗИНИНГ
АЪЗОЛАРИ ЎЗ СЎЗЛАРИНИНГ УСТИДАН ЧИҚМОҚДАЛАР



Колхоз раиси С. Муҳаммаджонов (ўртада) ферма ходимлари билан чорвачилик ишлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

ИЛК БАҲОР ПАЙТИ ЭДИ. Сабазавоткорлар, чорвадорлар, ботбонлар, қишлоқдаги бешу қари — ҳам ма колхоз клубига тўпланишиб, катта мақсадни ўртага ташлаб муҳомада қилишди. — Бу йил КПССнинг XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди бўлди. Бутун совет халқимиз бу узут саналарга тайёргарлик кўрмоқда. Бизчи — деяр, колхоз раиси С. Муҳаммаджонов? Ҳамма бир овоздан шу қарорга келди:

Беш йиллик планни тўрт йилда бажарамиз!

Колхозда бошланган бу ташаббус аввал районга, кейин областга ёйилди. Пахтакорлар, галлакорлар, чорвадорлар, ботбон ва сабазавоткорлар димлати баланд бу колхоз аъзоларининг

олижаноблик, ватанпарварлик билан бошлаган ташаббуслари маъқуллашди ва биз ҳам ана шу ҳаракатга қўшилишимиз, деб аҳд қилдилар.

Тўқтинчи беш йилликни муҳаддидан алғари якунлаш ҳаракати област миёсида кенг қўл очилди. Кўпчилиги ҳаракатга солиди.

Яқинда биз шу ташаббускорлар Ҳузурида бўлдик. Улар ярим йиллик ҳисобот йиғилишга тўпланишган эди. Маълум бўлган сўзларни айтиб ўтишдан аввал беш йиллик план тўрт йилда бажарилади, деган фикр тўғилган ва у матбуотда эълон қилинган кунларда колхоз раиси Сидиқжон Муҳаммаджонов билан бўлган суҳбат эди. У гапни шундай бошлаган эди.

лар билан узум бошларидан марикон таққан, фермаларда сут бўлган, семиз гўшт сероб бўлди. Раис шулар тўғрисида гапирганда юзларида қувонч ақс этиб турарди.

Катта ҳўжалик, кўпчилик эмасми, одамларнинг ҳаракатидан орқанда қолётган, ҳақиқатан амалга оширилган тадбирларга ҳисса қўшаётган, умумийлигини яратибди жон қўйибди меҳнат қилмаётган, ҳўлас колхоз тузили оқламай ётган айрим шахсларнинг исм-фамилияларини айтганда эса

унинг юзидаги табассум ўзининг ташвишли қиёфа эгаллабди.

Бундай одамларни президент билан ҳисоблаганда жуада оз, лекин катта нарвон йўлда кўпчилик ҳақида қолётган бу шахслар эди. Кўпчилик елкасидаги юк оз бўлса ҳам оғирлиги буларга ҳам тушарди. Барибир, биз бу одамларни ҳам айтган сўзимизнинг устида қўйамиз. Ана шу ваъдалар бажаришдан қувончли кунларда улар илгорлар сафида қандай ўтиришаркан, бизни шу нарсга ажаблантиради.

Мўл-кўлчилик йўлида

ТАШАББУСКОР колхоз аъзолари 1970 йилда ҳам барча соҳаларда яхши натижаларга эришган эдилар. Улар тўқтинчи беш йилликни муҳаддидан кўтари якунлашга қарор қилган кундан бошлаб, бултурги гайратларига янада гайрат қўшиб меҳнат қилдилар. Ҳамма соҳада иш беш йилликнинг дастлабки йилида муҳаддидан топишаркан бир ярим-икки ҳисса ошириб бажариш шпори остида ташкил этилди ва шунга эришиш учун курашилди.

Ярим йиллик якуни шуни кўрсатиб турибдики, бултур шу вақтдаги қараганда экин экин планлари ҳам, гектаридан олинмаган ҳосил ҳам, сиғирлардан соғиб олинмаган сут ҳам, давлатга топширилмаган гўшт ва бошқа маҳсулотлар ҳам кўп, шу билан бирга юқори сифатли бўлмоқда.

Ҳўжалик — сўғорилмаган ерлардан мўмин қадар умумий фойдаланаётганлигини шундан ҳам кўрса бўладики, бу йил эртаги экинлар ўрнига кайта экин экиш анча кўпайтирилди. 50 гектар майдонга нечкка қарам, 15 гектар ерга сабзи ва бошқа экинлар экилди. Мўнелар ва органик ўғитлардан фойдаланиш анча ўзгариб кетди. Ҳар йили бодиринг ва сабзидан кам ҳосил олинади, бу соҳадаги планлар бажаришмай қоларди. Колхоз эртаги бодирининг ўзи

дан йиллик планни ошириб бажарди.

Сидиқжон Муҳаммаджонов ҳосил ештириш ва уни йиғиштириб олиш ишлари қандай кўпайтирилганлигини бултурги шу вақтдаги билан бугунги кунда эришилган рақамларга солиштириб, колхозчиларга сўзлаб берди.

Ўтган йили шу кунгача 410 тонна картошка олинган бўлса, бу йил 620 тоннага етди. Сабазавот ештириш соҳасида ҳам эришилган натижа кишини қувонтиради. 1970 йилининг шу вақтида 1036 тонна эди, бу йил 1671 тоннага ташкил этади. Ҳосилдорлик соҳасида гап кетганда қарамнинг ҳар гектаридан 37—40 тоннадан маҳсулот олинганлиги, бултурги шу вақтдаги 40 тонна ўрнига 200 тонна помидор ештирилганлиги — булар «Ленин йўли» колхозининг аъзолари ўз имомаларига олган юксак манбурияни шараф билан бажариш учун ҳақиқатан ҳам фидокорона меҳнат қилаётганлигини яққол кўрсатиб туради.

Социалистик мусобақада толиб чиқиш учун курашаётган Неймат Расулов, Исроф Бақиров, Даджон Раҳимов ўртоқлар бошдаги биргачилар толиб байроғини ўз қўлаарида маҳкам ўрламоқдалар. Неймат Расулов бригадаси гектаридан 40 тоннадан, жами 325 тонна экин бултургига қараганда гек

тарига 15 тоннадан кўп қарам йиғиб олди. Бу бригада аъзолари ва уларнинг ишлари ҳақида ҳисобот мажлисида доклад қилган колхоз раиси илқ сўзларини айтди: «Биз ҳали 4 минг тоннадан ортиқ сабазавот, 800 тоннадан кўп картошка тайёрлашимиз керак. Ушбу ҳирмонимизни бунедга келтириш учун бундан ҳам астойдилроқ меҳнат қилиш талаб этилади».

Раис меҳнатда фидокорлик кўрсатаётган азамат колхозчилар номини санайди: Абдулла Аҳаджонов, Раффор Абдураҳмонов, Пўлчи Тургунов, Улғубек Мамажонов, Ёқуб Эрматов, Малик Анорбосов, Сидиқ Эргашев...

Ана шу азаматлар ва улар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ўнлаб колхозчи ва меҳанизаторлар эл дастурхонини тўқин қилмоқдалар.

Чорвачилик — даромад манбаи

ДОКЛАДДА таскидланганидек, колхозда чорвачилик кейинги йилларда бошқа соҳанинг шатаида эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳўжаликнинг бу муҳим соҳасини фойда келтирадиган тармоқда айлантириш учун кўп режалар тузди, тадбирлар белгилди, раёндаги илгор ҳўжаликлар тақрибасия қўнт бўлди.

Биз раёонимиздаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхоза чорвачилиги билан ҳамма вақт қизиқиб келар ва улар эришяётган натижани кўлга кiritишни ороу қилардик.

— дейди колхоз раиси. — Ороу қилсанг етасан, деган сўз жуада кўриг-акин. Шунини ҳам айтиш керакки, кўрўқ ороу билан иш битмайди, уни меҳнат билан, ҳаракат билан амалга ошириш зарур. Биз чорвачилигини яхши йўлга қўйиш учун аввало, настьчиликка катта эътибор бердик. Наслдор молларни ташиқарида олиб келмадик. Ҳўзимиздаги бўзоқларни катта қилиб маҳаллий шарафга ўргатдик, ҳадаганда касалликларга чалинмайдиган сермахсул сиғирларни кўпайтирдик. Бу иш дастлабки натижаларини бера бошлади.

батин чўғи анча бланд, деб айтган бўлса ҳам, лекин у деҳқоннинг асосий ҳосили ҳали пойсиз пайналларда, тошлар қовласида, дарахтлар шохида турганини айтди: «Биз ҳали 4 минг тоннадан ортиқ сабазавот, 800 тоннадан кўп картошка тайёрлашимиз керак. Ушбу ҳирмонимизни бунедга келтириш учун бундан ҳам астойдилроқ меҳнат қилиш талаб этилади».

Раис меҳнатда фидокорлик кўрсатаётган азамат колхозчилар номини санайди: Абдулла Аҳаджонов, Раффор Абдураҳмонов, Пўлчи Тургунов, Улғубек Мамажонов, Ёқуб Эрматов, Малик Анорбосов, Сидиқ Эргашев...

Ана шу азаматлар ва улар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ўнлаб колхозчи ва меҳанизаторлар эл дастурхонини тўқин қилмоқдалар.

уни давлатга топириш колхозга қўшимча даромад келтирмоқда ва кейинги навбатдаги молларни бўрдоқига боқиб учун еми хашакни иқтисод қилиб қоллишга ёрдам бермоқда.

Сут соғувчилардан кўпчилиги бу йил ўз боқимлариди сиғирлардан сут соғиб олишда бултургига қараганда анча дурўст натижага эришяётганлар. Қўмушой Қаримова бултур шу вақтда ҳар бир сиғирдан 1303 литрдан сут соғқан эди, бу йил ҳозиргача 2126 килограммдан сут соғиб олди. Махсума Алимова, Ҳасима Қорбосова ва шуларга ўхшаш кўпгина сут соғувчилар ҳам, ўтган йилги кўрсаткичлария анча орқанда қолдириб кетдилар.

Колхоз чорвадорлари йил бошида ҳар бир сиғирдан 2500 литрдан сут соғиб олишни мўлжаллаган эдилар. Ҳозир улар бу миқдорни 3000 литрга етказиш, пландан ташқари 230 тонна картошка, 1500 тонна сабазавот, 300 тонна полиз, 100 тонна узум ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб берамиш деб дадил айтмоқдалар.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорларидан илҳомланиб, беш йилликни тўрт йилда бажаришга қарор қилган «Ленин йўли» колхозининг аъзолари ҳамма соҳада ҳам ишини ана шу мақсадга мувофиқлаштириб олиб бормоқдалар. Уларнинг ярим йиллик иш якунлари — дастлабки одим ишонч билан катта мақсадни мўлзаб ташланганлигидан далолат бериб турибди.

С. МАҲКАМОВ.
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус муҳбири.

Ваъдага вафодорлар

КАТТА ВАЪДА бериб қўйдик. Ҳақимизда яхши ният ёри мол, деган нақб бор. Биз ишончимиз қомил бўлмаганда бундай ваъда бермас эдик, албатта. Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз, дейишдан олдин кучимизни, имкониятларимизни чамаладик. Ишонч билан айтиш мумкинки, «Ленин йўли» колхозининг аъзолари ҳаминша ўз сўзларининг устидан чиқиб келганлар, бундан кейин ҳам чикадилар.

Мана ҳозир колхоз идорасининг олдиди шифобахш жойда ташаббус ишкорларининг ярим йиллик якунга бағишланган йиғилишлари бўлишти. Маълум дид билан, илҳос билан барпо этилган сўри тои тағида ўтмоқда. Кенглиги ўн ўн икки метр, узунлиги қирқ беш-эллик метр келадиган сўри боғдорига тоқ новалари келинчан соқчидек тараб қўйилган. Биринчи қаторда қишлоқнинг ҳўмлатли мўйсафидлари ўтиришбди.

Колхоз тоқорининг бўйдоқлари ва ҳақиқий ҳўжайнлари шу отахонлар. Улар эсларини танбидиларки, тоқ қаламчаси экиб, боғ қиладилар, элга шир

рин-шакар узум етиштирадилар.

Колхоз раиси умумий йиғилишда оцаётганда қишлоқ бир воқеанинг сувоҳи бўлди. Сақсон ёшларга бориб қолган отахон қулоғи минбарда-ю, қўнтаргадан бир қарич чипта олиб, шарафга тўлаётган узум бошини кўтара олмай эгилиб қолган тоқ новадисини бағазга боғлаш билан овора эди. Шу кўришнинг ўзи бу ерлик мўйсафидлар узумчиликка қанчалик меҳр қўйганликларини кўрсатар эди. Отахоннинг бу ҳаракатини пайқанган узумчилик бригадасининг бошлиғи Худойназар ана Умаров мийғида қулиб қўйди.


— Бу отахон шунчака бог-бонлардан, тушунда ҳам тоқ тарав узум узаман, дейди...

Маълум бўлганда, Колхоз раиси ярим йиллик ҳисобот акс эттирилган даъдадини бошлади. Рақамлар, кишиларнинг ҳаракати, эришилган дастлабки ютуқлар ўз ифодасини толарди. Илларнинг, бориш қувончили бўлгани учун ҳам раиснинг ҳар бир сўзи дадил эди. Дадла ҳосил бу йил мўл бўлди: тоқзор-



Суратда — колхоз даласида помидор узиш пайти. А. АБАЛАН фотолари.

ТОШКЕНТ ГРЭСИДА



Суратда: Тошкент ГРЭСи подстанциясининг умумий кўриниши.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз
КОНСЕРВА САНОАТИ ИСТИҚБОЛИ

Пойтахт областада аҳоли эҳтиёжлари учун турли-туман консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналар бор.

Шу кунларда бу корхоналар коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, совет кишиларининг юксак сифатли, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ортibo раётган талабига тўларoқ йондирин мақсади билан меҳнат қилмоқдалар.

Барча консерва заводларининг ишчи-хизматчилари Москва ва Ленинграддаги илгoр корхоналар коллективларининг беш йиллик шавини муддатидан илгари бакариш юзасидан бошлаган ташаббусларига байону-дил қўшилдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, тўққизинчи беш йиллик тошларини тўрт йил ўн ойда бакарини ва пландагидан ташқари 7 миллион 50 мингта шартли банка консерва тайёрлашга аҳд қилдилар.

Консервачилар ана шундай юксак марказларни эгаллаш учун биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Меҳнат унумдорлигида гап кўп. Ўш қанчалик унумли ва сифатли бўлса, белгиланган ваифа пучкалик тез ва ўнғай адо этилади. Шунинг учун ҳам КПСС XXIV съездида меҳнат унумдорлигини ошириш социалистик экономикамизнинг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

Консерва саноати корхоналарида меҳнат унумдорлигини юксалтириш, шу мақсадда ишлаб чиқариш жараёнининг механизациялаш ва автоматлаштириш, илгoр иш усулларини жорий қилиш, прогрессив технологияни қўлланниш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу корхоналар йил бўйи омас, балки мавсумий ишлайди. Шу сабабли ишлаб чиқариш қувватларидан бир меёрда фойдаланиш анча мушкул, чунки у қишлоқ хўжалик оқинларининг мўл-кўлигига, сабзавот ва мева-яиларнинг иштиб етилишига боғлиқ. Консерва саноати корхоналарида ишчи кучи контингенти ўзгариб туради.

Консерва ишлаб чиқариш маддиси бошланганда кўп меҳнат талаб қиладиган юк ортин ва тушириш ҳамда хом ашёни ташини операцияларида, шунингдек, технологик жараёнининг кўл меҳнати кўпроқ талаб қиладиган участкаларида ишчилар сонин кескин кўпаяди. Бу ҳусусият сўнгги йилларда заводларнинг оғир аҳволига тушириб қўймоқда. Чунки коллективни мавсумий ишчилар билан тўлдирини тобора қийинлашмоқда.

Шунинг учун ҳам асарият заводларининг коллективлари ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш, технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги-янги имкониятларини қидариб топиш ва шу асосда ишчилар сонини камайтиришга ҳаранат қилмоқдалар.

Бу иш, айниқса, Янгийўл консерва заводидида яхши йўлга қўйилмоқда. Бу ерда иккундиз ишлаш шартли йилдан-йилга кенгаймоқда. Сўнгги вақтларда жуда кўп ташкилий ва техникавий тадбирлар амалга оширилди. Иккундиз ишлаш туфайли бу йилги мавсум олдидан жуда кўп тадбирлар қўрилди. Автоклаз такомиллаштирилди, сабзoқ тoзалoвчи машина, тўлдирчи, «ПСМ-5» машинасининг модернизациялашган пичоқлари, бир зумда стерилизация қиладиган қурилмалар тамак шарафати линияси, тиширувчи печь, помидорлар ва сабзавотларни тарасиз ташини учун ўзи агарувчи контейнерлар тайёрланди ва ишга туширилди.

Ўзи агарувчи контейнерларнинг яратилиши жуда яхши самара беради. Уни қўланиш билан ҳар йили корхона 210 минг сўмлик янги жамғарма олиши мумини, чунки ишчилар тайёрлаш ва улардан фойдаланишга ҳолат қолмайди. Фақатгина Янгийўл консерва заводи хом ашёни ташини банд бўладиган 150 колхозчи ва совхоз ишчиларини бу юмшдан озоқ қиладди. Бу йилгиликлар Ҳазалент консерва заводидида ҳам жорий этилади. Бу ерда тўлдирчи ва помидор ҳамда мева-яиларни тарасиз ташини учун 40 та контейнер тайёрлаб қўйилди.

Тўққизинчи беш йилликда об-ластимиздаги мавсум консерва заводларини янада кенгайтириш ва улар қувватини ошириш ишлари давом этирилди. 1973 йилда Тошкент ГРЭСи районида ҳар йили шартли 50 миллион дона банка консерва ишлаб чиқариш қуввати-га эга бўлган янги завод қўрилишини бошлаш назарда тутилмоқда. У 1975 йилда фойдаланишга тоширилди. Янгийўл консерва заводида шартли ишлаб чиқарувчи цех қурилиши янги йилларда бошлаб орилиди. У ҳар йили шартли 4 миллион банка маҳсулот беради. 1974 йилда янги мева цехи қад кўтарилди. Бу ерда ҳар йили 30 миллион шартли банка консерва тайёрланади. 1973 йилда Ҳазалент консерва заводидида ҳар йили 20 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарувчи цех сабзавот ва 600 тонна хом ашё сақланадиган омор қўрилди.

Юқорида айтилган қувватларнинг ишга туширилиши мева-яилар сабзавотларини ўз вақтида қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳамда мева шарафатини ишлаб чиқаришнинг кескин кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш учун қулай шароитлар вужудга келтирди.

К. РОГАЧЕВ.
Тошкент об-ласт ҳартия комитетининг инструктори.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА
ҚИЗИП БАЙРОҚЛАР

БАЙРОҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҒАЛЛАКОРЛАРИДА ҚОЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ҳамадон топириш, уруғлик ва ем-хашак фондларини жамғариш ҳамда дон ташини юзасидан республика об-ластлари, районлари, совхозлари ва автокoлонналари ўртасидида социалистик мусoбақанинг 1971 йил 31 июлгача бўлган якунларини қараб чиқилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўча Қизил байроғини қўйиладигарга беришга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўча Қизил байроғини Тошкент об-ластда (об-ласт партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, об-ласт ижроия комитетининг раиси ўртоқ Асoмов, об-ласт қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ортиқхўжаев, совхозлар трестининг директори ўртоқ Арзакелли, «Усельхозтехника» об-ласт бирлашмасининг раиси ўртоқ Киселев, Тошкент шаҳар ғалла маҳсулотларини реализация қилиш базасининг директори ўртоқ Ибодбеков) қолдирилди. Бу об-ласт давлат дон сотиш планини 104,3 процент, шу жумладан сўнгги ўн кунликда 36 процент бакариди, шунингдек, сараланган уруғлик сотиш планини 106 процент, уруғлик жамғаришни 83 процент, ем жамғаришни 53,6 процент адо этиди. Умумий ғалла майдонининг 90,1 процентидида ғалла ўриб-йиғиб олдди.

Қашқадарь об-ластидида Якабoғ районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ Исмоилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бoқиев, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Умаров, ғалла маҳсулотлари базасининг директори ўртоқ Камолов) берилди. Бу район давлат дон сотиш планини 61,5 процент, сараланган уруғлик сотиш планини 83,5 процент, шу жумладан сўнгги ўн кунликда 33 процент, уруғлик жамғаришни 61 процент, ем жамғаришни 122 процент бакариди, умумий ғалла майдонининг 93,1 процентидида ғалла ўриб-йиғиб олдди.

Байроқ Тошкент об-ластининг Юқори Чирчиқ районидан олиб берилди.

Самарқанд об-ластининг «Қорақиллоқ» совхозига (совхоз директори ўртоқ Нуралiev, партия ташкилотини секретари ўртоқ Усмонов, ишчилар комитетини раиси ўртоқ Бутаев) берилди. Бу совхоз давлат дон сотиш планини 58 процент, шу жумладан сўнгги ўн кунликда 30 процент бакариди, сараланган уруғлик сотиш планини 100 процент, уруғлик жамғаришни 100 процент, ем тайёрлашни 106 процент бакариди, сўнгги ўн кунликда умумий ғалла майдонининг 34,5 процентидида ғалла ўриб-йиғиб олдди.

Байроқ Самарқанд об-ластидида 1-«Ғалларол» совхозидан олиб берилди.

Тошкент шаҳар марказлаштирилган юк ташини автотрестининг 3-автокoмбинати йилга автокoлоннага (колoнна бошлиғи ўртоқ Ҳамдамов, партия ташкилотини секретари ўртоқ Мароппин, касаба союз гуруҳи ташкилотчиси ўртоқ Степенко) берилди. Бу йилга автокoлонна сўнгги ўн кунликда дон ташини планини 126 процент бакариди.

Байроқ Тошкент шаҳар йилга автокoлоннасидан олиб берилди.



Коммунистик меҳнат зарбoри Рустам Бекмурзин Тошкентдаги чаргаталистерия фабрикаси ишчилар бригадасининг бошлиғи. Унинг бригадаси тўққизинчи беш йилликни тўрт йилда бакаришга азму-қарор қилди. Суратда: илгoр бригада бошлиғи Р. Бекмурзин.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва республика касаба союзларини Совети ем-хашак тайёрлашнинг 1971 йил 1 августгача бўлган якунларини қараб чиқиб, кўча Қизил байроғини қўйиладигарга беришга қарор қилдилар.

Сурхондарь об-ластда (об-ласт партия комитетининг секретари ўртоқ Муродов, об-ласт ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қаримов, об-ласт қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саидхўжаев, об-ласт совхозлар трестининг директори ўртоқ Туропов) берилди. Бу об-ласт беда экиш планини 101,1 процент, макка-жуҳорини 105,8 процент бакариди. Шунингдек, дағал хашак тайёрлаш планини 119,6 процент, шу жумладан хашакни 90,5 процент, сенажни 111,5 процент, силосни 40,8 процент, витаминли ўт уни тайёрлаш планини 83,2 процент адо этиди.

Самарқанд об-ластининг Самарқанд районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ Бўронов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Олчипoвoв, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Лoв) берилди. Бу район беда экиш планини 145 процент, дағал хашакни 118,7 процент бакариди. 21,9 минг тонна ёки йиллик планга нисбатан 182 процент, ҳар бош ситир ҳисoбига 4,6 тонна беда бoстирилди.

Анджон об-ластининг Марҳаbон районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ Ибодбеков, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Саидхўжаев, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тўхташев) берилди. Район беда экиш планини 102 процент, макка-жуҳорини 100 процент, дағал хашакни 111,6 процент, сенажни 94,8 процент, силос бoстиришни 39,6 процент бакариди.

ПЕШҚАДАМ САБЗАВОТНОРЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети об-ластлар, районлар, колхозлар ва совхозларнинг давлат сабзавот ва полнз маҳсулотларини ҳамда картошка сотиш юзасидан социалистик мусoбақанинг 1971 йил 1 августгача бўлган якунларини қараб чиқиб, кўча Қизил байроғини қўйиладигарга беришга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўча Қизил байроғини Сурхондарь об-ластда (об-ласт партия комитетининг секретари ўртоқ Муродов, об-ласт ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қаримов, об-ласт қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саидхўжаев, об-ласт совхозлар трестининг директори ўртоқ Туропов, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифат бўйича давлат бoш инспектори ўртоқ Сариев, об-ласт маълумот жамияти правленисининг раиси ўртоқ Жумаев) қолдирилди. Бу об-ласт сабзавот тайёрлаш планини 73,8 процент, шу жумладан қарам тайёрлашни 174,7 процент, бодирининг 46,7 процент, ош лавагини 41 процент, помидорни 25,5 процент, сабзини 24,3 процент, пивзини 12,2 процент, бошқа хил сабзавотларни 46,8 процент, картошкани 104,7 процент ва полнз маҳсулотлари тайёрлаш планини 19 процент бакариди.

Анджон об-ластининг Москва районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ Отажонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бадалов, район ижроия комитетини қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нoрoқов, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифат бўйича давлат бoш инспектори ўртоқ Соликов, район маълумот жамияти тайёрлаш контролларининг директори ўртоқ Маламжонов) берилди. Бу район сабзавот тайёрлаш планини 75 процент, шу жумладан қарам тайёрлашни 75,6 процент, бодирининг 33,3 процент, помидорни 135,2 процент, пивзини 8,5 процент, сабзини 8,7 процент, бошқа хил сабзавотларни 7,9 процент, картошка тайёрлашни 41,4 процент бакариди.

Байроқ Тошкент об-ластининг Калинин районидан олиб берилди.

Тошкент об-ласт Калинин районининг «Москва» колхозига (район ўртоқ Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Саидхўжаев) берилди. Бу колхоз картошка топириш планини 110 процент, сабзавотни 58 процент, шу жумладан қарамни 100,7 процент, пивзини 71 процент, бодирининг 61 процент, помидорни 49,3 процент, сабзини 28 процент ва бошқа хил сабзавотлар тайёрлаш планини 73 процент бакариди.

Байроқ Тошкент об-ласт Калинин районидида Оқунбoвoв номи колхоздан олиб берилди.

ОТА ВА ЎҒИЛ

ЛАВҲА

Поезд секин-аста тезликни ошириб, қўздан ғойиб бўлди. Ҳамидулла эса ҳамон перронда поезд кетган томонга тикилганча турарди. Сўнг ҳаёл сурганича перрон пиллаояларидан шошмай, бир-бир қадам ташлаб туша бошларди.

...Яна ўтган қил ҳам Қарши чўлига меҳнат семиртинишнинг учун 850 студент кўнаб кетганди. Улардан 200 дан ортироқгина Ҳамидулла раҳбар Ишонч. Ҳамидулла коллектив ишончига билан ёки тасодифан сазовор бўлгани йўқ. Ҳозиргача бир неча коллективнинг ишончини оқлаб келди, бунинг учун эса тинимсиз ўқиди, ўрганди. У пойтахтнинг Қўнонoв районидида 112-ўрта мактабда ўқиб юрган-даёқ тенгшoқ дўстлари, ўқитувчилари ҳурматини қозонди. Математика ва география фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиадаларнинг совриндорин бўлди. Математикага сўнмас иштиёқ уйғотган муаллим Олим Хўжаев, ҳозир мактаб директори вазифасига қўйрилган география ўқитувчиси Имомали Шамсуддинoв номларини у ҳаминча ҳурмат билан тилга олади.

Ҳамидулла мактабни медал билан тугатди, сўнг институтни ҳам аъло диплом билан битирди, умумий математика кафедрасида стажёр, кейин аспирант бўлди. Институт педагоглари қобилиятли йигитни Т. Шевченко номи Киев Давлат университетининг профессори, физика-математика фанлари доктори Николай Иванович Кoвaнoвнинг иштиёғига юборишди, (Мақсуд икки олий ўқув

ОТА ВА ЎҒИЛ

Юрий қўздан бери ўзаро ниймий алоқа қилиб келарди. Кованов махсус курсдан лекциялар ўқиган пайтда оқин чехралли, янгидор бу йигитдаги қобилиятни юксак баҳолади ва унга геометрия кафедраси ҳузурда мураккаб назарий мавзу устида ишлашнинг талкиф этди.

Энди у фан қўқиларини рус ва украин тилларида забт этиш лoзим эди. Ҳамидулла чўчимади. Ниҳоят, кандидатлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ҳ. Назаровнинг олимлик нисини В. И. Ленин номи Белоруссия Давлат университети олимлари, расмий оппонентлар, физика-математика фанлари доктори В. С. Малаховский, доцент Н. И. Терешенко ва бошқалар юқори баҳолашди.

У яна қадрoқ маскани — Низомий номидаги педагогика институтига қайтди. Катта ўқитувчи бўлиб дарс бериш билан бирга жамоат ишларида яна аввалгидек актив қатнаша бошларди.

...Ўтган йили математика факультетининг қурувчи студентлар отряди Қаршида 80 минг сўмлик иш бакариди. «Қаршистрой» қурилиш отрядлари орасида иккинчи ўринни эгаллашди.

Қурувчи студентлар отрядининг бу йилги янги меҳнат семирти олдидан СССР Олий

Совети Президиуми қурилишда актив иштирок этиб келадиган бир гуруҳа студент ва ўқитувчиларни орден ҳамда медаллар билан мукофотлади. Улар орасида «Хурмат белгиси» ордени билан таъдирланган лавахими қаҳрамон Ҳамидулла Назаров ҳам бор...

...Ҳамидулла трoлейбусдан тушди. Қўнонга бурилатиб ҳаёлига беихтиёр отаси келди. 10-йилларда қишлоқни даволаб бўлмайдиган касаллини босди. Назар ота ўн учини фарзанди — тўнчиқ Уталидан айрилди. Қўнонни, Аммо болани икки кунда сўнг бир киши топиб олдди. У тири эди. Бунинг хабарини оштан Назар ота ўғлининг исмини... Ҳаля қўйди. Бу — Ҳамидуллагини отаси эди...

Афсуски, ота барвақт дундан ўтди, фарзандларининг ик боланин кўрмади. Ҳамидуллагини синглиси Раҳида 40-ўрта мактабда ўқитувчи, уналарни Нeтмaтиллa политехника институтини тугатди, Мира-тилла педагогика институтининг физика факультетидида тахсил қўрипти, кенжа Шарифа эса ўрта мактабни битирди.

Ҳозир ҳақ оилада 13 киши. Ҳамидулла шу тоғли ҳаёт, туллинида қажон оғушида ота мерос уйига етиб келди. Ўзликни охишта тақиллатди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қармай эшик тикилашини кутиб ўтирган умр йўлдоши — 171-ўрта мактаб муаллими Шoнoрaхoн турмуш ўртоғига пешовз чикди...

А. ВЛАДИМИРСКИЙ,
О. ҚOБИЛЖOНOВ.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДОИМЫЙ КОМИССИЯСИ
РАҲБАРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Кеча об-ласт ижроия комитетидида маҳаллапар депутатлари об-ласт Совети доимий комиссиялари раҳбарларининг йиғилиш-семинари ўтказилди.

Семинарда об-ласт Совети доимий комиссияларининг партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил 5-мартда қабул қилган «Меҳнатчилар депутатлари ишшини янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорлари юзасидан доимий комиссиялар фаолиятини яхшилаб бoриш дағида об-ласт ижроия комитетини раисининг биринчи ўрин-



Суратда: пoйтахтмиздаги фармацевтика заводи таблетка лeҳининг илгoр ишчиларидан Н. Дашкина ва М. Фрезкина ўртоқларини қўриб турибoз. Аниқ қўлларда улар смена нормасини 130—140 процентга етказиб адо этиб, ҳаммасларига ўрнак бўлишган.

КИНОФЕСТИВАЛЬ ЁНИЛДИ

Москвадаги VII халқаро кино фестивал прогрессив юно санъати муваффақиятларининг ва экран усталари ижодий дўстлигининг ёркин кўрини бўлди. Бу кинофестивалда Европа, Осиё, Африка, ва Америкадаги 70 мамлакатнинг атоқли кино аربоблари қатнашдилар. Уларнинг ҳаммасини Москва экран байрамнинг «Кино санъатининг инсонпарварлиги учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун» деган олийжаноб шoр бирлаштирди.

3 август кунин VII халқаро кинофестиваль тантанали равишда ёпилиди. Кремлиннинг съездлар саройига олти мингдан ортиқ томошабин тўпланди.

Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, СССР Министрлар Совети ҳузурдаги кинематография комитетининг раиси А. В. Романов тўпланганлар ҳузурда табрик кутчи сўзлади.

— VII Москва халқаро кинофестивалининг мазмундор программаси фудали, — деди у. — Бугун биз фестивалimizдаги уч конкурс ғолибини таъриқлаймиз ва фестивалнинг ҳамма қатнашчиларига йилдан-йили ижодий муваффақиятлар тийишмиз. Москва кино-

фестивали экран усталарининг ижодий дўстлигини мустаҳкамлади, кинематография талентларини янада маҳкамроқ бирлаштиришга қўмақлашди.

Шундан кейин конкурслар жюриларининг раислари — бадий фильмлар жюрисининг раиси СССР Халқ артисти Г. М. Козинцевга, қисқа метражли фильмлар жюрисининг раиси СССР Халқ артисти А. И. Медведкисга, болалар фильмлар жюрисининг раиси, ёзувчи, СССР педагогика фан-

лари академиксининг ҳақиринг аъзoси С. В. Михалковга сўз берилди. Улар ғолибларнинг номларини эълон қилдилар ва уларга фахрий мукофотлар топиридилар.

VII халқаро кино фестивал ёниқ деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи Давлат гимини тантанали янгилади.

Москвадаги кино кўрсаткичларида учрашувчи ҳайр!

(ТАСС).

К Р А К О В

ПОЛЬШАНИНГ қадимги пойтахти. Шаҳар Висла дарёсининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, у ўзининг архитектура ёдгорликлари билан айниқса машҳурдир. Шаҳар ўрта асрдаёқ Европа билан Осиё савдо йўллариининг марказида жойлашганлиги учун ҳар иккала қитъанинг савдо алоқаларининг ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Краков илм-фаннинг ҳам қадимий марказларидан: 1364 йилда бу ер-


ПОЛЬШАНИНГ тўқимачилик саноати маркази ҳисобланади. XVIII асрда вужудга келган бу шаҳар ҳозирги вақтда аҳолисининг сон жиҳатидан мамлакатда иккинчи ҳисобланади. Бу ерда тўқимачилик, станоксозлик ва химия корхоналари мавжуд. Ша-

СЛАВЯНЛАРНИНГ қадимий шаҳарларидан бири бўлиб у бир вақтлар Россия ва Чехия билан ўрнатилган савдо алоқаларида муҳим ўрин тутади. Кейинчалик узоқ вақт шаҳар немислар қўлида қолди. Аммо асрлар давомида бу ерда поляк тили ва маданияти сақланиб қолди. Иккинчи жаҳон

да Европада иккинчи ҳисобланган университет ташкил қилинган эди. Ҳозир ҳам бу шаҳар Польшанинг фан, маданият ва саноат марказларидан биридир. Бу ерда халқ ҳокимияти йилларида бўлиб ўтган Нова Гута металлургия комбинати Польшада эритиладиган чуқурнинг учдан бир қисмида орттироғини ишлаб чиқаришди.

Суратда: (ўнгдан биринчи) ўрта асрга мансуб қалъа.

Сиз (ўнгдан иккинчи) суратда ана шундай кварталлардан бирига қўриб тураёсиз.



ПОЛЬША ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ

БАҲРИ ОПАНИНГ БАХТИ

Баҳри опа Тагирова қирқ йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган мунис онахоналаримиздан. «Оққўрғон» районидagi Қўштакдаги йиллоғидан чиққан бу аёл баримом ҳаёт йўлини, босиб ўтди. 1935 йилда биринчи қишлоқ аёллари қаторида Тошкентга келиб, Крупская йўлидаги билим юртида ўқиди. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғига эи олиб келди. Турмушининг энг қийин машаққатли йилларида қолхога раислик қилди.

«Қишлоғимда ўқитувчилик қилиб юрдим. — деб эслайди ола. — Уруш бошланиб қолди. Ингилтарин фронтга жўнатдик. Шунда район ижроия комитетининг раиси Йўлдош Азимов мени ўз ҳузурига чақиртириб қолди. Қолхо раислигига тавсия қилинди. Қолхода бита трактор, бита омон ва от-арзав бор эди, қолхо. Шу алоқозда иш бошладик.

Уша кезлари қиз-жувоиларни далага, ишга олиб чиқиб керак эди. Баҳри опа ҳар бир дубона ва она-сингиллар қаб-бига йўл топти. Ота-си, севимли ёрми қолган аёлларнинг қўлини кўтариб, қолхо ишга даъват эди. Бир ой далада аёлларнинг сони эллик кишига эди.

Шулардан уч кишини эриклар ташиб қиларди. — дейди шу кезлари қолхо аъоси бўлган Сайдабар ана. — Аёллар калпир билан пахта экишарди. Биз бўлсак, от-хўнлар ёрдамида култиватор қилардик. Қайталаб далада қолдиб кетган пахталаримиз бўлган, Шундай кезларда Баҳри хон раисман деб турмасди. Са-фимизга қўшилиб, ишлар, ту-нда эса идорада одамлар билан муомила қилар, фронтдан кел-ган хат-хабарларни олиб ке-ларди. Унинг тadbиркорлиги туфайли пахта ҳосилдорлиги 30 центнерга кўтариди. Сенин-ақта қишлоғимизда ишчи йилар қўриди. Ободончилик ишлари бошлаб юбориди.

Улут Ватан урушида олти

Борлиқда салобат тунаётган ёдгорлик ёнидан эиел ўтган-дик, улкан қурилиш устидан чиқиб қолдик.

— Бу ерда, — тушунтирди қишлоқ Совети раисининг ўринбосари Анвар ака Гари-пов, — яқин орада 240 ўрин-ли касалхона, 500 беморни қа-бул қилишга мўлжалланган по-ликлиника, ботлар касалхона-си жойлашади. Ҳозир қури-лишда 9-кўча механизация-лашган колонна ишчи ва хиз-матчилари меҳнат қилишмоқ-да.

Депутат ва хайёт

Опази қурилиш майдонида учратдик. Жазирма иссиқда проаб билан қурилиш проек-тига кўз югуртирар, қад кўта-раётган бингоа меҳр билан на-зар ташларди.

— Тўғриси, айтсам, Вик-тор Васильевич қурилиш иш-лари наҳоятда секин бормоқ-да, — куюниб гапирарди опа. — Бу ҳолда йил охирига ке-либ, бинои фойдаланишга топ-широлмай уялиб қоласилар.

Прораб Виктор Потфеев турли баҳоаларни рўқча қила бошлади: «Ишчи кучи етиш-майпти, қурилиш материалла-ри кам» дейганди, опа унинг гапни шартта бўлди.

— Бекор гап, бир ой илгари билим юрти талабаларини сиз-га ердამга бердик. Қурилиш материаллари йўқ эмис. Ана, гишг, ёгонлар уюлиб ётибди. Гап ишчи яқин ташкил эта билчиди. Вақтдан тўғри фой-даланишни билмасилар. Хул-лас, ишда ўзгариш ясаи ке-рак.

Прораб Баҳри опанинг эъти-розларига қўшилди. Бугун-эр-та шифохона қурилиш ишла-рини маддалаштиришга эъа берди.

— Опада шунақа одат бор, — тушунтирди Анвар ака. — Қайерда бўлмасин намчилик кўрдими, бас, то уни тузати-гунча тиниб-тинчмайди. Шу қурилишнинг ўзига охири ҳаф-тада уч марта келиб кетди-лар.

Қурилиш майдонидан Куй-бишев номли қолхо томон йўл олдик. Бу хўжалик қишлоқ Совети территориясида жой-лашган. 4-бригада бошлиғи Но-шир Чинтошев, бош суви Чирхон Жияловни шийпонда учратдик.

— Ҳозир бутун кўчимизни тўра қатор орадарига парва-риш беришга қаратганимиз, дейди бригадир. — сувилар-дан Абдешим Ўринбоев, Бой-дун Норбутов, Абдукарим Охунвалар уларига ажратиб берилган қарталарни сувага қондиряпти, азаматлар.

Шийпонни кўздан кечирдик. Сўлим ҳовуз устига нароват ўрнатилган, гилам поёндозлар ёнган. Буфет бор.

— Шийпонга шахмат-шах-ка, газета ва журналлар олиб келиб қўйиш керак, — гап оч-ди Баҳри опа бригадирга нимо қилиб. — Телевизор сотиб олишга қурбиларинг келмай-дими? Иссиқ оватини нанда қилманлар.

Опа далада меҳнат қилаёт-ган сувилар, бригада аъзола-рининг ишлари билан қизиди. Бундан буён нималарга эъти-бор қилиш кераклигини ўқти-ди.

Қишлоқ Советида 73 депу-тат бор. Уларнинг ҳар-бири туфайли «Сўнги йил-ларда қишлоқда катта иш-лар амалга оширилди. 900 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси, болалар боғча-си, «Йола» кафеси фойдала-нишга топширилди. 200 хона-дон ҳовли тўйларини ўтказди. Ҳозир исси қаватли болалар боғчаси, 330 ўринли пионер лагери, меҳмонхона, ҳаммом қурилмоқда. Қишлоқ Советида туғилган доимий комиссия иш-лаб турибди. Бўтабек Шербе-ев, Мамат Эргашев, Санобе-ва, Исмаилов, Майрам Тўхтаева, Абдусамат Худобоев бошлиқ доимий комиссияларда иш қи-лгилдадек олиб бормоқда. Баҳри опа ҳар бир комиссия-нинг ишдан, депутатлар фао-лиятдан дўмо хабардор бў-либ туради. Ҳар ойда депутат-ларнинг ҳисоботини тинглаш одат тусига кирган.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси бў-либ ўтди. Партиянинг XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида республика меҳнаткашлар депутатлари Со-ветларининг вазифалари белги-лаб берилди. Меҳнаткашлар-нинг тўғруш шартининг янада яхшилашга қаратилган қарор-лар қабул қилинди. Баҳри опа Тагирова бошлиқ қишлоқ Со-вети депутатлари сессияда қабул қилинган қарорлар бил-ан яқиндан танишиб чиқиб, иш лавазимини қайтадан ту-зишди. Қишлоқда истиқомат қилаётган меҳнаткашларнинг заргаги кунини янада фа-рвонлаштиришга қаратилган қар-орлар белгилан олсини.

Ишчан ва камтарин аёл ҳа-мон изланишда. Қишлоқ жамо-лини, чиройини очиб, ярату-вчилик меҳнати қилаётган ки-шиларининг ҳаётини янада гуллаштириш ҳақида ўйла-моқда. Халқ хизматига қатъий бел болаган бу меҳрибон юм-мунист аёлнинг ишларида кат-та ютуқлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.

Саволларингизга жавоб берамиз

РАНГЛИ КЎРСАТУВ

Қурматли редакция! Маъ-лумки, республикамиза телеви-дение маркази рангли кўрса-тувларни намойиш қилаётган-ди. Шу мунсабат билан бизни бир нарс қизиқтиради: рангли

кўрсатувларни қандай маркада-ги телевизор орқали томоша қи-лиш мумкин?

Э. ЖАНГАБОВ,
А. ГЎЛБОВ,
ОҚҚЎРҒОН.

Ушбу мазмундаги хатлар бирсеча. Шунинг учун ҳам жа-вобини газетда еритишни дорим кўриб, Тошкент Марказий ун-верситети радио-телевизор сек-цияси мудирининг ўринбосари Рихисов Миромовга мувожабат қилдик.

— Дарҳақиқат, бу савол қў-чилиқни қизиқтиряпти, — дей-ди ўртоқ Миромов. Рангли кўрсатувларни ҳозирги кунда фақат «Рубин-401», «Радуга», «Электрон-701» телеви-зорлари орқали томоша қилиш мумкин. Чунки, улар заводда, рангли кўрсатувлар учун мос-лаб ишланган.

— Бундай телевизорларни халққа етказиб бериш қандай йўлга қўйилган?

— Аввало, шунга айтиш ке-ракки, рангли кўрсатувларга мўлжалланган телевизорлар бирмунча қimmat, кўнчи детал-лари алоҳида қўйишга ишлов талаб қилади. Шу билан бир-га мурамак рангли кўрсатувлар-ни намойиш қила боладиганда-кейин республикамиз савдо тар-моқларида юқорида айтилган телевизорларга талаб ортиб кетди. Жумладан, харидорлар-га хўматини яхшилаш марсади-да секциямизда рангли телеви-зорлар савдо кўргазмасини ташкил қилдик. Бошқа жойлар-да ҳам шу каби тадбирларга эътибор берилаяпти.

— Келгусида рангли теле-визорларнинг тури қўнайдими?

Бу саволга Москва телеви-зор заводининг техниги В. Ро-ванов жавоб берди. У пойтахт-дан келиб, Тошкент Марказий

универмагда харидорларга қонсултациялар бераётган экан.

— Ҳа, албатта қўнади. Шу кўнларда заводимизда рангли кўрсатувга мўлжалланган яна бир телевизор — «Рубин-701» яна ишлаб чиқаришга тай-ёргарлик қўрилмоқда. Ҳозирги рангли телевизорларнинг қарчи бир хил — 850 сўм. Янги «Рубин» ҳам бундай арзон бўл-маса керак.

— Кичикроқ жаҳмда, арзон баҳоли қилиб ишлаб чиқариш мумкин эмасми?


— Бу ҳақида олдиндан бирон нарсга дейиш қийин. Чунки, биз ҳозир ишлаб чиқарилишни тўхтатилган «Рекорд-102» ни ҳам тайёрладик. Унинг экрани кичикроқ бўлиб, баҳоси 550 сўм эди. Мазкур телевизорни ишлаб чиқаришнинг тўхтатили-шига сабаб — ахтир камайиб кетди: рангли кўрсатувлар ки-чи арзанда томошабинларни қондирганди.

— Ҳоҳловчи кишилар уста-хоналарда бошқа типдаги теле-визорларни рангли кўрсатуви-дан қила олинларми мумкинми?

— Мумкин, Йисил бефойда. Негатки, телевизорнинг ички қисмида фақат товуш ҳамда кадр лажмаларида бошқа кел-мескоп, трубка, ўқ наби талай асосий деталларини алмашти-риш лозим бўлади. Биргина трубканинг ўзи эса 250 сўм ту-ради.

— Фойдали суҳбат-ларингиз учун газетхонлар номидан кат-та раҳмат.

Х. ОЛИМЖОНОВ.



ГИДРОКУРВЧИЛАР

Ўзбекистон ССР сув хўжали-ги қурилиш бон бошқармаси-нинг қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналар ва автомо-бил хўжалиқлари коллективла-рини КПСС XXIV съезди қарор-ларини амалга ошириш учун солиштирилган мусобақани кел-аж элдириб, юксак кўрсат-кичларга эришилди. Бутунит-тифоқ солиштирилган мусобақа-сида 1971 йил иккинчи навар-та «Ўзгаводстрой» коллективига СССР Министрлар Совети ва

МУВАФФАҚИЯТИ

касаба союзулари Бутуниттифоқ марказий советининг кўма-Қишлоқ байроғи тўртинчи марта сурункасига берилди.

Бон бошқарма қурилиш-монтаж ташкилотлари йил бо-шидан буюн кўдрат ишлари про-граммисини 142 процент қилиб бажарди. Мегиароция жиҳати-дан яхшиланган 21-минг гек-тар майдон, 8300 гектар янги суғориладиган ер ишга туш-рилди. 3600 гектар оқитилад-хайдалиб кедадиган ер яхшидаб текисланди. Ўз-жой майдонла-

рини ишга тушириш товшириги ортин билан бажарилиди.

«Ўзгаводстрой»га қарашли қурилиш ташкилотлари шу кун-ларда социалистик мусобақани тобора кенг аяқ олдиримоқда. Илрик гидротехника иншоотла-ри катта Наманган канал, Аму-Бухоро каналининг иккин-чи наботи қурилиш, Сурух-Шеробод даштининг ва Марказий Фарғонани ўзлаштириш, бошқа кўпгина сув хўжалиги объек-ти ва ишчолардаги ишлар графика мўлжаллангандан тезроқ бормоқда.

(ЎзТАД).

Дунё хабарлари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БУДАПЕШТ

Халқ Венгрияси меҳнат-кашларининг Венгрия—Со-вет дўстлиги жамиятига коллектив аъзо бўлиб қи-риш учун бошланган ҳа-рати венгер халқининг Со-вет Иттифоқига чуқур самий-ий дўстлигининг ажойиб намоиши бўлмоқда. Ленин номли Дюшдьер металлур-гия комбинатининг меҳнат-бўсчилари бўлиб чиқдилар.

БЕРЛИН

Германия Демократик Республикасининг олимла-ри, инженерлари, техника-ри ва ишчилари ҳозирги вақтда кемасозлик саноати-нинг эҳтиёжлари учун мўл-жалланган, ённи қийин бўлган пластмасса тайёрлаш устида актив иш олиб бор-моқдалар. Яқин йиллар ичи-да даставвал машина уску-на буюмлари ишлаб нира-риш мўлжалланган.

СОФИЯ

Шу йилнинг етти ойи жо-байида «Мария—восток» энергетика комплексен элек-тр станцияларининг коллек-тивлари пландагидан таппа-ри 161 миллион киловатт соат электр энергияси ҳосил қилдилар, шу комплекснинг шахтёрлари эса тошйир-идагидан ташиқари, 70 минг тонна кўмир қазиб чиқар-дилар.

АҚШ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН. 3 август, (ТАСС). «Эркан Европа радио-си» ва «Озодлик радиоси» деб аталган ва кўпуровчилик иш-лари билан шугулланувчи радио-станцияларининг фаолиятини марказий разведка бошқарма-сининг пул билан таъминлашни таққилловчи қонун лойиҳасини Америка сенати яқиндалик билан маъқуллади.

Сенатнинг қарорига бинова-ан шу радио станциялар ҳуку-мат фондларининг маблағлари ҳисобидан таъминланадиган бў-

ЯНГИ ХУКУМАТ

АДАН, (ТАСС). Яман Халқ Демократик Республикасининг муваққат олий халқ кенгаши (парламенти) ЯХДРнинг 12 кишидан иборат составдаги ян-ги ҳукуматини сайлади.

ЯХДР президент кенгаши-нинг аъзоси Али Носир Мухам-мад Хасаний ҳукуматнинг бон-министри қилиб сайланди. У

айни маҳалда мудофаа минис-три лавозимини ҳам эгаллайди. Мақсуд Абдулла аш-Шейх бон-министрининг экономика ва молия ишлари бўйича ўринбо-сари қилиб тайинланди. Му-ҳаммад Салих Авақий ташқи ишлар министри қилиб тайин-ланди.

СВАРАНГ СИНГХНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕХЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваранг Сингх 2 августда парла-ментнинг халқ палатасида сўз-га чиқиб, Покистон маъмура-лини Ҳиндистон билан уруш очиш учун ҳарқандай боҳона-дан фойдаланишларига қарши огоҳлантирди, деб хабар беради ПТИ агентлиги.

Сваранг Сингх Покистон пре-


зиденти Яхёжи Покистон «Ҳиндистон билан уруш ара-ғида тургани» тўғрисида қишлоқда айтган гаплари ҳусу-сида парламентнинг баъзи де-путатлари берган саволларига жавоб қайтарди: Покистон маъ-мурилар уруш очгудек бўлса-лар, бизнинг мудофаа кучлари-миз тегишан зарба берадилар», деди.

СУДАНДАГИ ҲУКМЛАР

ҚОҲИРА. (ТАСС). Судан ҳарбий трибунали армия офи-церларидан саниқ кишининг иши юзасидан ҳукм чиқарди.

МЕН агентлигининг хабар-беришга қараганда, улардан тўрт киши икки йилдан тортиб бон йилгага муддатларга қа-моқ жазосига ҳукм қилиниб, ҳарбий унволларидан маҳрум этилган. Қолган тўрт киши ҳарбий унволлардан маҳрум қилиниб, армиядаги ҳақини хизматдан бўшатиб юборилган. Генерал Немеири чиқарилган ана шу ҳукмларни тасдиқла-ган.

Колумбия Коммунистик пар-тиясининг органи «Ишчилар овози» газетаси Богота шаҳри-да 1963 йилдан бери нашр этилмоқда. Газета меҳнаткаш-лар манфаатларини ҳимол қи-лган ҳолда раҳбар синфларнинг ишчиларга нисбатан олиб бора-ётган сисбатини фом элмоқда. Суратда: студентлар «Ишчилар овози» газетасини сотиб олиш-моқда. Н. УРТМИНЦЕВ фотоси.



ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ-АРАБ СПОРТИ ҲАФТАЛИГИ

Республикамизга меҳмон бўлиб келган Бирлашган Араб Республикаси спорт делегацияси билан ўзбек спортчиларининг самимий, дўстона учрашувлари давом этмоқда.

«Ешлик» спорт аренасида спорт ҳафталиги таштанили сурада очилган. Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Республикаси курашчилари, дзюдочилари, самбистлари ва гимнастикчиларининг намунали чиқишлари бўлди. Уни залга йиғилган минглаб ҳамшахарларимиз қиз-қиз қўзғатдилар.

Марказий «Пахтакор» стадионда ўтган кунги енгил атлетикачилар мусобақалари бўлди. Хотин-қизлар ўртасида юз метрга югуришда тошкентлик Л. Чиникова ғолиб чиқди. (12,3 секунд). Меҳмонлар делегацияси составида келган аёл спортчи Амина Махмуд Муҳаммад иккинчи бўлди. 800 метрга югуришда меҳмонлардан Саид Бахмал ғолиб чиқди. Шунингдек, араб спортчилари 1500 масофага югуришда (Абдул Ҳамид), узунликка сакрашда (Эзз Элдин Енуб) яхши натижалар кўрсатдилар.

«Ешлик» спорт аренаси дзюдочиларнинг дўстона мусобақалари маркази бўлиб қолди. Бирлашган Араб Республикасида спортнинг бу тури ҳам тез ўсиб бораётганлигини меҳмон-

ларимиз сафидаги таланти дзюдочилар маҳорати кўрсатиб турарди. Тошкентлик спорт мухлислари классик курашчи Иброҳим Саид Иброҳим, Тобир Муҳаммад Тобир ҳамда оғир атлетикачи Махмуд Муҳаммад Убайлларнинг яхши тайёргарлик билан келганликлари ва келаси йил бўладиган жаҳон олимпиадасига жиддий ҳозирлик кўраётганликларига тўғрив бўлдилар.

Дўстларимиз стадионлар, югуриш йўлларини, кураш майдонлариди мусобақалашибгина қолмай, республикамизда ҳаёти билан ҳам яқиндан танишмоқдалар. Улар пойтахтимизнинг

диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ютуқлари ви- тавқасида бўлиши, Ленин му- асейини томоша қилиши. Ме- хмонлар қарда бўлишмасини, улар очик чехра, шоду-хурам- лик билан кўтиб олинмоқда.

Кеча совет-араб спорт ҳаф- талигида қатнашаётган БАР делегацияси ҳафталигининг ик- кинчи қисминини ўтказиш учун Самарқанд шаҳрига жўнаб ке- тди.

Бирлашган Араб Республикаси спортчилари Тошкентдаги «Ешлик» манежиди (чапдаги сурат)

Бу ерда совет-араб спорт дўстлик ҳафта- лиги таштанили очил- ди. Сўнг, ўртоқлик мусобақалари бўлиб ўтди. Ундаги суратда арабистонлик полков- ларнинг биринчи кунги кўргазмали чиқиш- ларини намойиш қил- лар.

М. Нуриддинов фотолари.

КИЕВЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Икки пешқадам — Киев ди- намичлари билан «Арабат»- нинг ўзаро учрашуви утган турнинг марказий ўйини бўлди. «Арабат» 4-минутдақ қийин ахволга тушиб қолди: 11-метр- лик штраф тўпини киевликлар қапсатган. Сосинини аниқ му- ажалга киритди. Бу тўндан сўнг «Арабат» ўзоқ вақт ташаббусини қўлга олиб ўйнади. «Динамо» дарвозабони Рудаков бир неча марта командасини хавфли ҳо- латлардан қутқариб қолди. Та- наффусдан сўнг киевликлар составида СССР терма коман- даси ўйинчилари Бишовев ва Мунтян пайдо бўлдилар. Улар

ўйинда бурилиш ясаш учун иштирокчи бўлишди ва 71-минутда Мун-